

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Sirdaryo IES» АЖ
Капитал қурилиш бўйича
директор



Хазин М.М.

Техник топширик

«Sirdaryo IES» АЖнинг 2022 йил бино ва иншоотларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун смета хужжатларини тайёрлаш ва дизайн ишларини бажариш тўғрисида.

№ п/п	Бўлим номлари	
1	Объект номи	<p>1. №1,2,3 тутун чиқариш мўриларининг кундузги белгилари ва металлоконструкцияларини бўйлаш.</p> <p>2. Бош бинонинг турбина бўлими “А” қаторнинг фасад кисмини таъмирлаш.</p> <p>3. Бош бинонинг турбина бўлими №5÷10 энергоблок 23 ўқдан 52 ўқгача “А ва Б” қаторларнинг темир кран йўлларини бўйлаш ва турбина бўлими №5÷8 энергоблок 23 ўқдан 41 ўқгача темир коллоналарни бўйлаш.</p> <p>4. Бош бинонинг турбина бўлими №2÷4 энергоблок 6 ўқдан 23 ўқгача потолок ва фермаларни бўйлаш.</p>
2	Объектни жойлашган жой	Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри Энергетиклар (Нурчилар) кўчаси №7.
3	Буюртмачи	«Sirdaryo IES» АЖ.
4	Таъмирлаш мақсади	2022 йил бино ва иншоотлар таъмирлаш режасига асосан ва «Sirdaryo IES» АЖнинг 50 йиллиги бўлиши муносабати билан бино ва иншоотларнинг эстетик кўринишини яхшилаш.
5	Сметада кўзда тутилсин	<p>1. - 1 чи ва 2чи тутун чиқариш мўрилари 1972 ва 1975 йилларда ишга туширилган, ушбу тутун чиқариш мўрилари №1,2,3,4 энергоблокларга хизмат қилади. Тутун чиқариш мўрилар баландлиги Н=180 метр, хизмат кўрсатиш майдончалари 3 тани ташкил этиб, 85, 130, 175 м баландлик белгиларда жойлашган. Тутун чиқариш мўриси темир-бетондан қурилган (М-300 маркали бетон). Чиқиш нарвон ва майдонлари металлоконструкциядан ташкил топган бўлиб, хар бирининг умумий бўйлаш майдони 1500м²дан иборат. Кундузги химоя белгисини хар бирининг умумий бўйлаш майдони 1750м²дан иборат. Тутун чиқариш мўрисидаги қизил ва оқ рангдаги химоя чизиклардан ташкил топган бўлиб, 75м белгидан 105м белгигачи оралиғи эни 5 метрдан × 5 дона (2 дона оқ ва 3 дона қизил рангдаги чизиклардан иборат) бўлиши ва 150м белгидан 180м белгигачи оралиғи эни 5 метрдан × 6 дона (3 дона оқ ва 3 дона қизил рангдаги чизиклардан иборат) бўлиши зарур. Ушбу бўйлаш ишларини бажариш учун 1чи ва 2чи қатлами ХВГ-1 (ёки</p>

ХС 010) бўёқидан ва 3чи қатламини ХСЭ-26 ва 4чи қатламини ЛАК ХСЛ бўёқлари билан бўялиши шарт (Техник паспортга асосан).

- 3чи тутун чиқариш мўриси 1983 йилда ишга туширилган бўлиб, ушбу тутун чиқариш мўриси №5÷10 энергоблокларга хизмат қилади. Тутун чиқариш мўриси баландлиги Н=320м, ёритиш майдончаси 7 тани ташкил этиб, 15, 90, 135, 180, 225, 270, 315 м баландлик белгиларида жойлашган. Тутун чиқариш мўриси темир-бетондан қурилган (М-300 маркали бетон). Чиқиш нарвон ва майдонлари металлоконструкциядан ташкил топган бўлиб, умумий бўялиш майдони 4189м² ташкил этади. Кундузги химоя белгисини умумий бўяшлиш майдони 7048м² ташкил этади. Тутун чиқариш мўриси қизил ва оқ рангдан ташкил топган бўлиб, 38,85м белгидан 43,85м белгигачи оралиғи 5 метрдан 1 дона (1 дона қизил ранг), 63,55м белгидан 88,55м белгигачи оралиғи 5 метрдан 5 дона (3 дона қизил ранг ва 2 дона оқ ранг), 117,70м белгидан 132,70м белгигачи оралиғи 5 метрдан 3 дона (2 дона қизил ранг ва 1 дона оқ ранг), 162,70м белгидан 177,70м белгигачи оралиғи 5 метрдан 3 дона (2 дона қизил ранг ва 1 дона оқ ранг), 208,85м белгидан 223,85м белгигачи оралиғи 5 метрдан 3 дона (2 дона қизил ранг ва 1 дона оқ ранг), 253,55м белгидан 268,55м белгигачи оралиғи 5 метрдан 3 дона (2 дона қизил ранг ва 1 дона оқ ранг), 298,50м белгидан 313,50м белгигачи оралиғи 5 метрдан 3 дона (2 дона қизил ранг ва 1 дона оқ ранг), бўлиши. Ушбу бўяш ишларини бажариш учун 1чи ва 2чи қатлами ХВГ-1 (ёки ХС 010) бўёқидан ва 3чи қатламини ХСЭ-26 ва 4чи қатламини ЛАК ХСЛ бўёқлари билан бўялиши шарт (Техник паспортга асосан).

2. Бош бинонинг турбина бўлими “А” қаторнинг фасад қисми баландлиги 30метр ва узунлиги 612метрни ташкил этади. Девор темир-бетон плиталаридан ташкил топган бўлиб, 2 хил ўлчамда яъни 1,8м х 12м жами 353 дона ва 1,2м х 12м = 172 донани ташкил этади (1,8м х 12м х 353 + 1,2м х 12м х 172 = 10102м²). Фасад қисмининг ромлари металлоконструкциядан иборат бўлиб, металл переплётлари 397 ячеейка (1,8м х 12,0м) жами бўялиш хажми 2276м². Фасад қисмининг штукатурка қилиш жойи (местами и шов между панелей) 1039м².

3. Бош бино турбина бўлими асосий ишлаб чиқариш биносидир. Турбина бўлими “А ва Б” қаторлар оралиғида жойлашган ва “А ва Б” қаторлар оралиғи 45 метрни ташкил этади. Турбина бўлими узунлиги 612 метр 52 дона (ўк) металл устунлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир ўклар орлиғи 12метрдан иборат. “А” қаторнинг 23^аўқдан – 41ўқгача металл устун ва ўкларни боғловчи металлоконструкциялар бўяш хажми 2145м² ҳамда “Б” қаторнинг 23^аўқдан – 41ўқгача металл устун ва ўкларни боғловчи металлоконструкциялар бўяш хажми 2145м² жами 4290м².

Турбина бўлимида 25тн 3 дона кўприксимон кранлар ўрнатилган бўлиб, кранларнинг темир йўллари “А ва Б” қаторларда +19,0м≈20,0 меткасида жойлашган. “А ва Б” қаторларда жойлашган 23 ўқдан 52 ўқгача бўлган темир кран

		<p>йўлларининг умумий бўяш ҳажми 6670м² ташкил этади.</p> <p>4. Бош бино турбина бўлими асосий ишлаб чиқариш биносидир. Турбина бўлими “А ва Б” қаторлар оралиғида жойлашган ва “А ва Б” қаторлар оралиғи 45 метрни ташкил этади. Турбина бўлими узунлиги 612 метр 52 дона (ўк) металл устунлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир ўқлар орлиғи 12метрдан иборат. Турбина бўлимининг 6 ўқдан 23^аўқгача бўлган шифт (потолок) қисми профнастил қопламаси билан қопланган бўлиб, умумий бўяш ҳажми 9967м². Турбина бўлимининг 6 ўқдан 23^аўқгача бўлган шифт (потолок) қисми остида жойлашган ферма ва ферма боғламларини умумий бўяш ҳажми 6653м².</p>
6	Дизайн ишларини бажариш	Пудратчи ташкилот конкурс муддати тугагунга қадар дизайн ишларини бажариши ва Etender.uzex.uz порталига жойлаштирилиши шарт.
7	Смета ва дизайн ишларини бажариш муддати	2022йил 07 мартдан – 2022 йил 15 мартгача.
8	Смета ва дизайн ишларини бажариш суммаси	Смета ҳужжатларини тайёрлаш ва дизайн ишларини бажариш учун 97 352 032 сўмдан ошмаслиги зарур. Лойиха-сметалаш ишларини амалга ошириш учун олдиндан 15% бўнак тўланади, қолган суммаси лойиха-сметаси қабул қилингандан сўнг тўлов амалга оширилади.
9	Талаблар	<p>- Смета ташкилоти замонавий лойихаларни ишлаб чиқишда ва дизайн ишларини бажаришда катта тажрибага эга бўлиши, шаҳарсозлик стандартлари ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган қурилиш лойихалари, ва бозор талабларига мос бўлиши шарт.</p> <p>- Пудратчининг барча лойихаларида аҳоли эҳтиёжлари ва назорат қилувчи органларнинг талабларига тўлиқ жавоб бериши, бундан ташқари ижрочи керак миқдорнинг қурилиш майдончасининг иқтисодий самарадорлигига бўлган талабларини ҳисобга олиши шарт.</p>
10	Бошқа талаблар	Смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва дизайн ишларини бажариш бўйича барча ишлар шаҳарсозлик норма қоидалари (КМК ва ШНК) талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Лойиха-смета ҳужжатларини шартномада белгиланган муддатда бажарилиши шарт.
11	Баҳолаш қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилади	<ul style="list-style-type: none"> - Дизайн ишларини бажариши; - Қурилиш лойихаларини замонавий лойихалаш тажрибаси; - Иш нархи; - Смета ҳужжатларини тайёрлаш муддати; - Смета ҳужжатларини тайёрлаш учун махсус лицензияси; - Смета ҳужжатларини тайёрлаш иш стажи.
12		- Ушбу ишлаб чиқилган смета ва дизайн ишлари “Sirdaryo IES” АЖ томонидан “Иссиқлик электр станциялари” АЖга тақдим


		этилади. Юқори турувчи органлар томонидан кўриб чиқилгандан сўнг, энг яхши ва энг арзон смета хужжатлари ва дизайн ишлари танлаб олинади. - Ғолиб деб топилган пудратчи ташкилот бўяш ишларида ва қабул қилиш жарёнида қатнашиши шарт.
--	--	---

Таъмирлаш хизмати бошлиғи



Г.С. Турдимратов

Бош ҳисобчи



С.А. Тошқулов

ИПБ бошлиғи



И.З. Марупов

ИЧТБ бошлиғи



Ғ.А. Холназаров

ҚваТБ бошлиғи



О.А. Исроилов

Юрисконсулт



Б.А. Маматқулов